


“ЎЗБЕКИСТОН”

М. МИРЗАҲМЕДОВ

БОШЛАНГИЧ
БАДИИЙ НАҚШ
ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ



729

M-63

М.А. МИРЗАХМЕДОВ

БОШЛАНҒИЧ БАДИИЙ НАҚШ ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ

Қоғозга ва ёғочга бўёқ билан нақш ишлаш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА СИФАТИДА ТАВСИЯ ЭТГАН

Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри

ТОШКЕНТ - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2002

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 73155

73155 - 73156

Тақризчилар: Қаламтасвир кафедраси мудирин,
педагогика фанлари номзоди,
доцент. Қ. Қосимов
Тошкент мусаввирлар тайёрлаш билим
юрти ўқитувчиси, халқ маорифи
аълочиси М.Тўраев

Муҳаррир Суръат Абдукаримов

Муаллиф қўлланмада тошкентлик уста Маҳмуд Тўраев ва унинг шогирдлари нақшларидан фойдаланди. Қўлланманинг яратилишида қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган Раҳим Ҳасанов, Маҳмуд Тўраев, Қобил Қосимовларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

Мазкур рисола бадий наққошликни ўрганиш тўғрисида қўлланма бўлиб, ундан педагогика ва архитектура қурилиш институти талабалари, мактабларнинг меҳнат таълими ўқитувчилари ҳамда тўғарак раҳбарлари ижодий фойдаланишлари мумкин.

М 4904000000-651-30 2002
м351(04)2002

ISBN 5 640-03141-7

© "Ўзбекистон"
нашриёти, 2002 й.

МУАЛЛИФ ДА Н

Бадий наққошлик санъати тўғрисида, уни ўрганиш ҳақида маълумот берар эканмиз, аввало, сизларни узоқ ўтмиш маданиятининг намуналарини, тарихий обидаларни хаёлан кўз ўнгингизга келтиришга, тасаввур этишга ундаймиз. Қўли гул халқнинг ақл-идроки ила яратилган бу ажойиб мафтункор обидаларни, ноёб бадий нақшларни инсонлар завқ-шавқ билан томоша қиладилар.

Бадий наққошлик, ўймакорлик, кашта тикиш санъати намуналарини-ҳаётни, табиат манзараларининг аксини, чиройли гулларнинг шаклларини биноларнинг пештоқларида, эшикларида, уй анжомларида ва бошқаларда кўрасиз, уларнинг моҳирлик билан тасвирланганлигини чуқур хис этасиз.

Халқнинг бу хил нафис, нозик ижоди сиз ёшларни, айниқса, ўзига жалб этади. Агар сиз шу бадий санъатнинг бирор тури, масалан, наққошлик турига қизиқиб, уни ўрганишга жазм этсангиз, уни албатта эгаллайсиз, ҳаётда энг гўзал касб соҳиби бўлиб етишасиз, кишиларга гўзаллик хис-туйғусини бахш этасиз.

Наққошликни ўрганишга қўйилган дастлабки қадамда аввало кўз билан мўлжаллашга, расмлар симметриясини тартиб, чидам билан ишлашга, меҳнатни севишга сўнг ҳар хил қоғоз ва ёғочларга турли тасвирларни чизиб, бўяшга одатланиб борилади. Қарабсизки, кўп ўтмай, сиз ишлаган чиройли наққошлик буюмлари одамларга эстетик завқ берувчи моддий бойликларга айланиб қолади.

Мана шундай меҳнат билан элга қилинган тортиқ борасида улуг мутафаккир Фузулий шундай ёзган экан: "Инсоннинг қадри донолиги, элга манзур хизмати ила боабаддир".

Мазкур қўлланма педагогика ўқув юртларининг № 2109-Бадий графика ва чизмачилик, №2120-Умум-техника ва меҳнат факультети учун ўқув режаси ва дастури асосида ёзилди. Қўлланмани ёзишда шу фанни ўқитиш соҳасидаги кўп йиллик тажриба ва синовларга асосланилди ва тўлдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбек халқининг амалий меъморчилик санъати ўзига хос бой анъаналарга эга. Бизнинг давримизга қадар етиб келган амалий меъморчилик санъати асарлари ранг-баранг ва хилма-хилдир. Булар кулоллик буюмлари, ипакдан, жундан тўқилган газламалар, ҳар хил гиламлар ва палослар; ёғоч ва металлдан ишланган уй-рўзгор ашёлари, гул чекиб ўйилган мрамар тош буюмлари, бадий кашта билан безалган сўзаналар, гулдор жияклар, зарҳал кашталар, турли хил дўппилар ва бошқалардир.

Амалий санъатнинг бу қайд этилган турлари ҳар манзилнинг ўзига хос маҳаллий хусусиятларига эга бўлиб, шакл ва нақш бўёқларида акс эттирилади. Бу эса усталар орасида ўзига хос ишлов буюмлари ва хилма-хил безаш асбоблари мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда амалий санъатнинг каштачилик, гилам, палос тўқиш ва зардўзлик каби турлари тобора тараққий этиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг ранг-баранг шойи, атлас, беқасам, хон атлас ва бошқа турли буюмлари билан узоқ асрлардаёқ ном чиқариб келган. Ҳозирги вақтда бадий тўқимачилик санъати Марғилон, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида жуда ривожланган.

Бадий тўқимачилик соҳасининг асосий шохобчаларидан бўлган гиламчилик санъати ҳам кенг тарқалган. Моҳирлик билан тайёрланган гиламлар, палослар, шолчалар халқ тўқимачилик санъати асосида ҳар манзилда турли шаклларда тўқилади. Қарши ва Косон туманларида ранг-баранг бўёқ ва геометрик шаклдаги гулдор шолчалар, Самарқанд вилояти туманларида узун патлик жулқирс шаклдаги палослар, Андижоннинг Ойим қишлоғида

“қизил-оёқ” гиламлар тўқилади. Хива эса тиқин техникаси асосида тўқиладиган гиламлари билан машҳурдир.

Кейинги пайтларда Ўзбекистонда кулолчилик ишлари анчагина йўлга қўйилди. Сопол буюмларни яшаш ва унга бўёқ беришда ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хос услуби мавжуд бўлиб, усталар ўзларига хос анъаналарга эгадир. Бухоро ва Гиждувон усталари кўпроқ қизгиш-жигар ранг бўёқларда, Риштон усталари кўкимтир, мовий-ҳаво ранг, Самарқанд усталари яшил-сарик ранг тусда, Шаҳрисабз усталари қизгиш бўёқдан фойдаланадилар.

Ўзбекистоннинг қўл-хунар санъатида мис буюмларига бадий нақш ўйиш касби алоҳида ўрин тутади. Асосан бу хунар кўпроқ Қўқон, Қарши, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива шаҳарларида ривож топган Наққош мискар усталар томонидан нозик шаклларда ажойиб ишланган чой идиш, қумгон, чойнак, баркаш, кулдон, патнислар ва хилма-хил буюмларни ҳар бир хонадонда учратиш мумкин.

Ёғочдан шарқ анъанаси асосида хилма-хил бадий буюмлар ишлайдиган ўзбек ёғочсозлари орасида алоҳида услубга эга бўлган усталар кўп. Ёғоч ўймакорлик санъати Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкентда кўпроқ ривож топган. Уймакор усталар ўз хунарларини асосан эшик, устун, дарча, тепа туйнук ва шу каби бинокорлик қисмларини яшашда намоён этиб келганлар. Ҳозирги вақтда улар ўз санъатларини аҳоли, жамоат биноларини безатишга бахш этмоқдалар. Ёғоч буюмлар дўконида турли хил буюмларнинг (кийим илгичлар, шифонерлар, диван, стол-стуллар) янгича шаклда ишланганига кўзингиз тушади. Буларнинг кўриниши чиройли, содда, ишлатишда анча ўнгайлик туғдиради. Улар янги етишиб чиққан усталарнинг ижодий маҳсулидир. Бу ишда ёрқин бўёқларни танлаган бўёқчиларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Ёғочга нақш ишлаш санъати тахминан IV асрдан бошланган. Бадий жиҳатдан безалган гулли нақшдор ўрта аср ёдгорликлари ҳозирги даврга қадар сақланиб қолган. Қадим замонлардан бошлаб мадрасаларнинг тўсини, арақи, устунлари, бойлар ёки жамият аҳамиятига эга бўлган жойлар, амалдорлар қурдирган меҳмонхоналар наққошлар томонидан нафис (нозик) нақшлар билан безатиб келинган.

Мадраса деворлари ва карниз оралиқларига ганч усталари нафис гулларни ўйиб ишлашган.

Наққошлик айниқса сабр-тоқат, мустақкам асаб, юксак қунтни талаб қилувчи хунардир. X асрда яшаб ўтган

Қобуснинг набираси Кайковус ҳам касб-хунар ўрганиш ҳар бир ёшнинг бурчи, деб ҳисоблаган.

Бола тарбиясида хунар ўрганишнинг таъсири, ҳалол меҳнат каби ахлоқий тушунчалар шубҳасиз юксак маъно касб этади. Бу билан инсонлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришга, турмуш даражасини тараққий эттиришга яхши далиллар келтирилади.

Кайковус ўз замонасининг фарзандлари меҳнатсиз, илм-хунарсиз на илм чўққисига, на маърифатга эга бўлиши мумкин эмаслигини ўзининг ҳаётий тажрибаси орқали тушунтиради. У: “Билимни эгалламоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасалиқдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалиқ, ишەкмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга бўйсиндирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан...” – деган эди.

Касб ва хунар ёшлар вақтининг беҳуда ўтишига йўл қўймайди. Хунар ва касб ўрганиш ёшларни ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатлардан холи қилади. Ҳаётда учраган қийинчиликлар оқибатида туғилиши мумкин бўлган ёмон фикрлардан қайтишга ўргатади.

Жаҳонга машҳур бўлган буюк олим ва мутафаккирлар Аристотел, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Носир Хисрав, Низомий Ганжавий, Муслиҳиддин Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Бедил, Бобур кабилар кишилик маданияти тараққиётининг ривож учун ўзларининг илмий-бадий ижодлари билан катта ҳисса қўшганлар. Улар жозибадор гўзалликлар инсонлар қалбига доимо шодлик бахш этиб, ҳар қандай ғам-ғусса, изтиробларни енга олишига ишонганлар. Бобур ўз замонасидаги бадий нақшли ирмоқлар билан гул солувчи наққошлар меҳнатини юксак қадрлаб, уларни тез-тез ўз ҳузурига чорлаб, эсдалик совғалар тақдим этган ва улар ҳақида: “Меҳнатда синалган элда азиз”, – деб мақол яратган.

А.Навоий эса, наққошлар хунаридан завқланиб, уларга эл олдида боқий умр тилаган. Бу олимлар нақш гулларининг топиллиши ва такомиллашишига, ўймакорлик ишларининг давом этиб ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

VII-VIII асрлардаги ҳукмдорларнинг Варахша шаҳридаги саройларида амалий санъатнинг хилма-хиллиги жиҳатидан кишини ҳайрон қолдирадиган намуналари сақланган. IX-XI аср бошларида Ўрта Осиё тарихида бадий

маданият, айниқса архитектура тез ривожланган. Араб босқинчиларининг бостириб кириши туфайли бу давр Ўрта Осиё маданиятини уч босқичга бўлиш мумкин, яъни:

1. VIII ва IX аср ўрталарида шаҳар ичкарасида олиб борилаётган қурилиш ишлари жуда сусайиб кетди.

2. IX ва X асрнинг иккинчи ярмида мамлакат Бағдод халифалигидан озод бўлгандан кейин шаҳар ичкарасида хароб жойларни қайта тиклаш ишлари авж олиб кетди.

3. XI - XII асрлар ва XIII аср бошларида Ўрта Осиёда феодал тузум ҳукмронлигида архитектура ва шаҳар қурилишлари юқори даражага кўтарилди.

XVII - XVIII асрларда кўплаб турар жой биноларини безашда амалий санъат асарлари кўлланила бошланди. XIX асрга келиб безакнинг ҳамма турларига хос қатъий, аниқ композициялар ишлаб чиқилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача ложивор сарғиш, қизил-жўша сабзи бўёқлар ишлатилиб келинди. XIX аср охирларида очик рангли бўёқлар, масалан, сариқ сабзи, шингоби бўёқлар топилди. Ўзбек нақшларида бўёқларнинг туслари доим бир текисда: қуюқ, текис, ўткир тусли бўёқлар ишлатилади. Масалан, қора тусдан оқ тусга, жўша тусдан тўқ яшил тусга, яшил тусдан сариқ тусга ўтилади.

Наққошлик санъати ҳақида бирорта ҳам китоб ёки мактаб бўлмаган. Усталар хунарни устозларидан ёки оталаридан ўрганганлар. Нақш усталари шогирдлари ёрдамида бойларнинг меҳмонхоналари, сарой ва мадрасаларни безатиб тирикчилик ўтказганлар.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида бадий санъат ишларини ривожлантириш мақсадида артеллар ва комбинатлар очилади. Артелларда ўқувчилар уюшмаси тузилиб, ҳар бир уюшмага бир иккитадан усталар бириктирилади. Хунар-ўрганувчилар ишнинг мураккаблигига қараб 3 ойдан 6 ойгача шогирд бўлар ва шогирдлик вақтида ҳар ойда ойлик ва ўрганиш учун материал ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминланарди. Шогирдлик вақти тугагандан кейин улар имтиҳон топшириб, қилган ишларига ва билимларига қараб малака даражасини олардилар. Тошкентда П.П. Бен-ков номидаги Рассомлар тайёрлаш мактабида 1952/53 ўқув йилида амалий санъат бўлими очилиб, бу ерда биринчи ташкил этилган ўқув ишлаб чиқариш комбинатини битириб чиққан усталар ва Ўзбекистонда ном чиқарган халқ усталари дарс беришди. Булар орасида Ёқубжон Рауфов, Муҳиддин Раҳимов, Жалил Ҳакимов, Маҳмуд Усмонов, Тоир Тўхтаўжаев ва бошқалар бўлган.

1949 йилда Островский номли пионерлар саройида, 1954 йилда Ленин номли пионерлар саройида наққошлик ва ганчкорлик тўғараги очилиб, унда ўқувчилар ҳар иккала санъат турини зўр қизиқиш билан ўрганадилар.

Тошкентда бадиий амалий санъат соҳасида касб-техника мактаби очилади. Мактаб қошида ўймакорлик, мискарлик, заргарлик ва гиламчилик устaxonалари ташкил қилинади.

Ҳозирги вақтда усталар ўз шогирдлари билан биргаликда театр, клуб ва музей биноларини нақш билан безаб, меҳнатларини элга манзур этмоқдалар. Бундан ташқари, кўргазмалар учун бадиий буюмларини ишлаб ўз маҳоратларини намоёниш қилмоқдалар.

Кейинги йилларда халқ санъатига бағишланган қатор китоблар нашр этилмоқда. Масалан, ўзбек халқининг атоқли нақш устаси Қосимжон Олимжоновнинг ижодига бағишланган “Тошкент нақши”, тошкентлик ўймакор уста Мақсуд Қосимов ижодига бағишланган “Тошкент ўймакорлиги”, хоразмлик уста Абдулла Болтаев ижодига бағишланган китоблар шулар жумласидандир. Бундай китоблар ёш наққошларни тарбиялашда, ўз ҳунар ва малакаларини янада такомиллаштиришда, замонавий ижодий ишлар яратишда ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН НАҚҚОШЛАРИ ВА НАҚҚОШЛИК КАСБИ ТўҒРИСИДА

Таниқли наққош Саидмахмуд Норқўзиев саксон йилдан бери Қўқонда яшаб ижод қилмоқда. Норқўзиевнинг ота-боболари ҳам наққошлик билан шуғулланганлар. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг Фарғона залини безашда Норқўзиев иштирок этган.

Хивалик Абдулла Болтаев ҳақли равишда Хива мусаввир-наққошлар мактабининг отахони ҳисобланади. Наққош ижодий услуби ва ишининг ўзига хослиги жиҳатидан бинокор наққош ҳисобланади.

Тошкентлик усталар ўзлари яратган композицияларида поргори ясси ўймадан ва геометрик шакллардан фойдаланганлар. Поргори услубида ижод қилган ўймакор усталардан Тошпўлат Аюбхўжаев яратган нақшлар ёғоч ва чинор ёғочларидан ясалган кўп қиррали стол, курси, қутичаларда ўз ифодасини топган.

XIX аср иккинчи яримидаги ўзбек наққошлиги безакдорлиги, нақшларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги билан ўзига хосдир.

Амалий санъатнинг энг кўп тарқалган турлари наққошлиқдир. Нақш – бу безак, муаллиф ижод қилган, ритмик равишда такрорланадиган қатор тасвирлардир. Уй анжомлари ва жиҳозларига, деворлари ва шипларига чизиб бўялган нақшлар уларнинг бадиий қимматини оширади, кишиларнинг эстетик дидини бойитади. Нақшланган ўзбек буюмлари жаҳонга машҳур. Ўзбек миллий наққошлигининг анъаналарини сақлаб, уларни янги мазмун билан бойитган ажойиб халқ устаси Олимжон Қосимов (1878-1952) Тошкент наққошлик мактабининг энг йирик намоёндасидир. Бу ҳунарга уни тутунган отаси, ўша даврнинг таниқли мусаввири Шерхўжа Ҳасанов ўргатган. XX асрнинг 20-йилларидан сўнг Олимжон ака ёш усталарни ўргатишга кўп куч ва меҳнат сарфлади. Унинг энг таниқли шогирдларидан Жалил Ҳакимов, Тоир Тўхтаўжаевларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон халқ мусаввири уста Ёқубжон Рауфов ёғочга нақш чизиш санъатини ўз отасидан ўрганди. Мусаввир мураккаб композицияларда кундалик ҳаёт мавзусини ёритади.

Халқ амалий санъати XIII асргача маълум тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлсада, кўпгина сабабларга кўра, XII-XIII асрларда инқирозга юз тутди. Унинг кўпгина қисми вайрон қилинди ёки бутунлай йўқотилди. Эндиликда боболаримизнинг асрлар давомида яратган санъати эъзозланиб, қайта тикланмоқда ва ёш усталар томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда.

Маълумки, XIV-XVI асрларда Самарқанд сарой деворлари монументал нақш билан безатиларди. Девордаги нақшлар темурийлар галабаларини таърифлар эди. Бу даврда йирик масштабли геометрик нақшлар кўп ишлатилар эди. Рангли гаммалар асосини қизил ва кўк бўёқлар ташкил этар эди. Сарғиш-кўкимтир, пушти ранг XIX асрда Самарқандда сақланиб қолган нақшга хос гаммалардир.

Бухоро ёдгорликлари XVI асрга оид деворга расм чизиш санъати ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Мачит, мадрасаларнинг интерьерлари марказий кўп қиррали юлдузсимон нақшлар билан безатилган. Нақш тўқ ҳаво ранг бўёқ билан, фон эса олтин аралаш жигар ранг бўёқ билан бўялган.

XIX асрнинг охиригача архитектура нақши Тошкентда шипларни, устун капителларни, жамоат бинолари деворларини, маҳалла мачитларини ва бойларнинг уйларини безашда ишлатилиб келинди. Бу даврда архитектура ўз қонун услубига эга бўлди. Деворлар уч қисмга: ойнабанд ва фризга бўлинган. Девор билан шип ораси “шарафа” типдаги карнизлар билан безатилар эди.

Тарихий ёдгорликлари бўлган шаҳарлар жуда кўп. Шулардан энг нодир ёдгорликларга бой бўлган жой Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон ўз меъморчилик, наққошлик санъати билан бутун дунёга машҳурдир.

Ёдгорликларнинг бизгача етиб келишининг сабаби халқнинг ўз санъатини ниҳоятда севиб, эъзозлаши натижасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин жуда кўп бинолар, хотира майдонлари, саройлар, Туркистон саройи. Тошкент цирки каби иншоотлар қурилди. Рассомлар уйи замонавий архитектура ва нақшлар билан безатилди. Тошкент вокзали, Тошкент метро станцияларининг безатилиши, Темурийлар тарихий давлат музейи, ундаги нозик дид билан ишланган нақшлар XIX асрда яратилган нақшлардан ҳам ўзиб кетди.

Наққошлик санъатининг бундай ривож топиши халқнинг ижодкорлиги, гўзалликка интилиш ва яратувчилик салоҳияти натижасидир. Асосий омил бу эмас, ижодкорлик, гўзалликка ошноликдир.


НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЧИЗИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБЛАР

Нақш элементларини чизишда қуйидагилар керак бўлади: ярим ватман қоғоздан тайёрланган чизмачилик учун тутиладиган альбом, гуаш бўёғи, сариқ ва кумуш ранг кукунлар, гуаш бўёғи суртиш учун локлар. Локлар ҳар хил бўлади. 4 “С” маркали мойли локнинг туси қуюқ кўк чой ёки пахта ёғига ўхшаш бўлиб, ишлатганда бўёқларнинг рангини ўзгартирмайди. Айрим мойли локларга махсус маркалар қўйилмайди. Бу локларнинг ранги тоза, тиниқ бўлса, кичкина нарсага суриб кўриш керак. Локлар 18–23°C ҳароратда 48 соатда яхши қурийд.

Наққошликда мойли локдан бошқаси ишлатилмайди. Спиртли локлар ишқорли, политура локлар буюмга бе-

рилган бўёқнинг рангини ўзгартиради ва ранг жилва бермайди.

Нақш элементини ишлашда керакли асбоблардан “М” маркали қора қалам, юмшоқ ўчиргич, қалам учини очиш учун мослама, ҳар хил



1-расм.

учбурчакли чизгичлар, бўрсиқ мўйли учи юмалоқланган мўй қалам (1-10 гача рақамли). Катта-кичик белчалар (қоришма тайёрлаш учун) керак бўлади (1-расм).

БУЮМГА ИШЛОВ БЕРИШ

Буюмга ишлов беришдан олдин керакли материаллар-жилвир қоғоз, алиф, майдаланган бўр, ҳал тайёрлаб қўйилади. Буюм сирти текислаб, жилвирлангандан сўнгра бир марта аксол алифи суриб чиқилади. Аксол алифи соф алифга қараганда тез қурийд. Лекин ҳар иккала алифни ҳам ишлатиш мумкин.

ҚОРИШМА ТАЙЁРЛАШ

Қоришма ёғоч елими, майдаланган бўр ва алифдан тайёрланади. Елимни эритиш тартиби: ёғоч елими майдаланиб, елим идишга ёки оддий пақирга солинади. 1 килограмм елимга 3 литр иссиқ сув солинади. Елим 100 даражача иссиқликда қайнатилади. Ўтга, оловга қўйилган елимни унинг дончалари эригунча ёғоч билан кавлаб туриш лозим. Шундай қилинмаса, елимнинг эримаган қисми идиш тагига ёпишиб, куя бошлайди.

Елимни яна бошқа усулда ҳам эритиш мумкин: елим майдаланмасдан, каттароқ пақирга солинади, пақир илиқ сув билан тўлдирилади. Бир суткадан кейин у юмшоқ ҳолга келади. Сўнгра бошқа идишга солинади ва сувсиз қайнатиб эритилади. Елим узун-узун бўлиб чўзилувчан ҳолга келса, тайёр бўлган ҳисобланади.

Қайнатилган елимга элакдан ўтказилган бўр солинади ва таёқча билан аралаштирилади. Сўнгра 1 кг елим ҳисо-

бига 0,3 литр аксол ёки соф алиф солинади. Алиф устидан яна бўр қўшилади, алиф тез сингиб кетади. Қоришманинг тайёр бўлганини билиш учун уни белчада олиб кўрилади; қоришма белчада сирғалиб кетмаса, тайёр бўлган ҳисобланади. Алиф кўп қўшиб юборилган бўлса мўлжаллаб эритилган елим ва бўр солиб аралаштирилади. Қоришма буюмнинг ҳамма томонларига, айниқса чокларига силлиқ қилиб сурилади. Сўнгра қоришма қотгач, майда доналик жилвир қоғоз билан сатҳ силлиқланади, қоришма устидан иссиқ бўлмаган елим (100 гр бўрга 0,5 литр сув қўшиб эритилади) суви сурилади.

Қоришма ишлатиб бўлингач, идишда қотиб қолмаслиги учун, унинг устига сув солиб қўйиш керак. Ишлатиш зарур бўлганда, сув тўкиб ташланади.


Биз бадий наққошлик санъатимизнинг қадимдан давом этиб келаётган бой анъаналарига амал қилиб, улардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишимиз керак. Шу билан бирга ўз ишимизда замонавий ва халқимизнинг талабларига мувофиқ янгиликлар яратишимиз, чунончи, ўзбек халқининг ифтихори бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорвачилик, техника янгиликлари, спорт ва ҳоказоларга оид янги нақшлар тузишимиз ва уларни безатиладиган буюмларга киритишимиз лозимдир.

ХАЛ ҚОРИШ

Унча иссиқ бўлмаган елим тоза идишга солиниб, ҳал билан аралаштирилади. У ўртача суюқликда бўлиши керак, агар қуюқ бўлса, мўйқалам билан суриш қийинлашади. Агар елим кўп бўлса, ҳал дарров кўкимтир тусга киради. Буюмга сурилган ҳал 5-10 минутдан кейин селгийди, сўнгра ҳал сурилган буюм қуруқ тоза мўйқалам билан ишқаланади. Натижада, ҳал жуда силлиқ бўлиб жилва беради.


Ҳаваскор ёш наққошлар бўрсик мўйли мўйқаламлардан фойдаланишларини тавсия қиламиз (2-расм). Мўйқаламларнинг учи юмалоқланган бўлиб, 1 дан 10 гача рақамга эгадир.

1 ва 2 рақамли мўйқаламлар гул туширилгандан сўнг сиёҳ қалам ва тар-



2-расм.

гил қилиш, 3 ва 4 рақамли мўйқаламлар банд ва маргулларга бўёқ суриш, 5 ва 6 рақамли мўйқаламлар замин бўёгини бериш, 7 ва 8 рақамли мўйқаламлар оби тортиш, 9 ва 10 рақамли мўйқаламлар буюмнинг ички томонини бўяш, 20 рақамли ясси мўйқалам буюмга лок бериш учун ишлатилади. Мўйқаламларни иссиқ сув билан совунлаб ювиш шарт.



3-расм.

НАҚҚОШЛИК УСТАХОНАСИНING ТУЗИЛИШИ

Наққошлик устахонаси доим ёруғ, қуруқ ва ўрта даражада иссиқ бўлиши керак. Устахонада ҳар бир ўқувчининг ишлаши учун 2,5 кв метрдан жой ажратилиши, асбоб ва бўёқларни қўйиш учун шкаф бўлиши шарт.


Устахона кенг ойнали бўлиб, унга табиий ёруғ тўла тушиб туриши зарур. Электр нуридан имконияти борича фойдаланмаслик керак, чунки электр нурида бўёқларнинг ранги бошқача кўриниб, кўзни алдайди, уларни фарқлаб олиш қийин бўлади. Хусусан, кўк ранг билан ҳаво рангни ажратиш қийиндир (3-расм).

НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ БОСҚИЧЛАР БЎЙИЧА ҚОҒОЗГА ҚАЛАМДА ЧИЗИШ

Нақш чизишни ўрганиш асосан нақш элементларидан энг оддий нусха кўчиришдан бошланади. Ёш мусаввир маълум малакага эга бўлмоғи учун наққошлик китобининг “Бошлангич бадий нақш ишлаш услубияти” билан танишиб чиқиши зарур. Шундагина, қоғозда тўғри ва чиройли чизиқ ўтказишни ўрганиши, чизилган чизиқлар аниқ ва равон бўлиши мумкин.

НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Декоратив расм чизишни ўрганиш нақш чизишдан бошланади. Нақш чизиш намунага қараб ёки ижод қилиб чизилади. Бадий нақш чизиш 2-синфда ўрик баргини йўл ичига ҳар хил шаклда жойлаштириб чизишдан бошланади. Шакллар асосан тўртбурчак, учбурчак шаклида жойлаштирилади. Чизилган баргни тўлқинсимон чизиқ ичига жой-



4-а расм.

лаштириб нақш ҳосил қилиш мумкин. Кейинроқ эса, квадрат ичига 2-3 элементдан тузилган нақшларни чизиш ўргатилади.

Лола тасвиридан турлича нақш чизиш уч хил қилиб чизилган охириги нусхаси “мадохили” нақшига ўхшаб кетади. Биз нақш чизишни наққошликда ишлатиладиган нақш элементларидан бошлаймиз.

а) Барг элементлари


1-машқ. Чизмачиликда фойдаланиладиган альбом олиб, биринчи варағига оралиғи 5-6 см кенгликда узун йўл чизиқ чизилади. Чизилган йўлни квадратларга бўлиб чиқилади. Квадратларнинг диагоналлари ўтказиб, диагональ бўйича баргнинг юқори четини қабарикроқ қилиб, пастки четини ботикроқ қилиб чизилади. Шу тартибда ҳамма квадратларга барг чизиб чиқилади. Тасвир этилган элемент оддий барглар турига киради (4-а расм).

Барг чизиш кўникмаси ҳосил қилинганч, мураккаброқ барглар чизилади. Қуйидаги баргнинг четини кунгира гажак қилиб чизамиз, бу ҳам диагональ ёрдамида чизилади (4-б- расм). Бу турли вариантларга эга бўлган элементлардир. Энди баргнинг иккала четини гажак шаклида чизамиз (4-в расм). Бу барг “гажакбарг” деб аталади. Гажакбаргни квадрат ичига диагональ ёрдамида чизиш керак (5- расм).

Барглар бир-бирини кесиб ўтиши, айқашиб тушиши мумкин. Бунда баргнинг иккала диагоналидан фойдаланилади (6-расм). Барглар ичида энг каттаси, чиройлилиги билан ажралиб турадиган барглар султонини “шобарг” деб



5- расм.





6-расм.

аталади. У катта квадрат ичига чизилади. Шобаргнинг гажаклари худди бургут тумшугига ўхшаб қайрилган бўлса, пастга қараб эгилиб туриши салом бераётган мажнунтолга ўхшайди. Шобаргда япроқлар кўп бўлиб, ҳар бир япроқ ҳар хил рангга бўялади. Ҳар бир япроқ элементини қўл ўргангунча такрор чизиш мақсадга мувофиқдир (7- расм). Оддий барглардан (3 баргли ва 4, 8 баргли) нақшлар тузиш мумкин (8- расм).



7- расм.



8- расм.




9- расм.


Пахта шонасининг оддий барглари ҳам наққошликда кўпдан бери ишлатилади. Шона баргдан нақш тузиш 9-расмда кўрсатилган.

б) Гул элементлари

2-машқ. Нақш гуллари ичида энг оддийси кичик думалоқ гул “кичик ойгул” деб аталади. (10-а, б расм). Бу кичик



а



10-расм.

чик ойгулнинг ҳар бир думалоғи беш олти бўлакка бўлиниши лозим. Бу гулни квадрат ичига олиб, босқичлар билан чизилганда осонгина ишланади (11-расм). Бу гулнинг четини кунгура қилиб, катта ўлчамда чизиш мумкин. Бундай чизилган гул “катта ойгул” деб аталади. Катта ойгул ичига кичик ойгулни чизиб, гулнинг кўринишини янада ўзгартириб алоҳида чирой бериш мумкин (12-расм).


в) Элементларни қўшиб чизиш

3-машқ. Барг элементлари билан гул элементларини қўшиб чизишда икки япроқнинг орасига гул элементи чизилади. Япроқларнинг учини пастга ёки юқорига қаратиб чизиш мумкин (13-расм). Баргли ойгулни чизиш тўртта барг ёки олтига барг орасига гул чизиш билан бажарилади (13- а, б, в расм).


Кесишган барглар, кўп қаватли барглар орасига ҳам гул элементларидан чизиш мумкин. Бунда гул ва барг элементлари чиройли кўринишга эга бўлади (14- а, б, в расм).

г) Бофта ва шкифтилар


4-машқ. Бофта ва шкифтилар нақш йўлларини бири бири билан боғлашда ишлатилади. Бофтларни айлана




1. ОҚ




9. САРИҚ САБЗА




2. НИЛ ОБИ



10. САРИҚ




3. СЕНКА




11. ШИНГОФ




4. ЗАНГОРИ




12. ПУШТИ



5. ҲАВО РАНГ



13. ЖЎША



6. ТЎТИ ЁЙИ




14. ГУНАФША



7. ИЗУМРУД ҒФЕРУЗА




15. ҚИРМИЗИ




8. КЎК




16. ТЎҚ ГУНАФША




11-12-рasm.




13-рasm.




13-а, б, в, расм.




14-а расм.




14-б расм.




14-в расм.




16-а расм.




16-б расм.




15-а пасм.











15-б пасм.








БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 73155






































30-расм.



15-расм.

шаклида ва тўғри чизиқ ичига чизиш мумкин (15-расм). Бофта симметрик нақшлар турига киради. Бофтлар нақш шаклига қараб учлик, айланасимон, синиқ чизиқли бўлади.

Шкифтилар асосий нақш йўллари билан боғлайди. Шкифтилар нақш элементлари ичида, кўзача ис-



16-расм.

лими четида 2, 3 қатор қилиб чизилади. Шкифтилар нақш тузилишини ва нақш йўллари улуғвор қилиб кўрсатади. Шкифти ёки бофта қатнашмаган нақшлар кўримсиз бўлиб, кишини ўзига жалб қилмайди (16-расм).

ОДДИЙ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ТАРТИБИ БИЛАН ҚОҒОЗГА ТУШИРИШ

Ўқув устахонада нақш ишлаш бадиий нақшларни ва унинг элементларини чизишдан бошланади.

5-машқ. Наққошликда “занжира” оддий гул бўлгани учун ўқувчилар ишни шу гулдан бошлайдилар.

“Занжира” гулини босқичларга бўлиб ва элементларга ажратиб ишланса, уни ўрганиш осонлашади. Бу “занжира” гулни қалам билан ишлаш тўрт босқичга бўлинади (17-рангли расм). “Занжира” гулини пухта ўрганиш учун уни 5-6 марта қайтадан чизиш лозим. Бунинг учун аввало қаламни тўғри ушлашни машқ қилиш зарур. Қалам бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқ билан горизонталига тик равишда ушланади. Бу маълум даражада малака талаб қилади.

1-босқич. Оралиғи 3-4 см бўлган узун икки тўғри чизиқ чизилади ва бу чизиқлар тенг бўлақларга бўлиниб, квадратлар ҳосил қилинади.

2-босқич. Иккита квадратни қўшиб (қавариқ ҳолда), ярим айлана чизилади. Бу худди ишқомга ўхшаш бўлади.

3-босқич. Ишқомнинг энг юқори томонидан пастга қараб (ботиқ ҳолда) ярим айлана чизилади. Шунда толнинг баргига ўхшаш гул ҳосил бўлади.

4-босқич. Ҳар икки баргнинг юқорисидан ва пастидан куртакча чиқарилади. Куртакчанинг кенглиги баргнинг кенглигига баробар бўлади.

“Занжира” гулни бўяш босқичма-босқич амалга оширилади.

1-босқич. Гулнинг юқори замини ҳаво ранг бўёқ билан бўялади.

2-босқич. Гулнинг пастки заминига барг ранг бўёқ сурилади.

3-босқич. Гул пушти бўёқ билан бўялади.

4-босқич. Куртакчаларга оқ ёки сариқ бўёқ берилади.

5-босқич. Ҳар бир барг ва куртакчанинг четидан қирмизи бўёқ билан чизиб чиқилади.

Ўрталарини четидан ажратган ҳолда таргил қилинади. “Занжира” гул кўпинча эни 4 см дан ортиқ бўлмаган карнизларга, стол устининг четларига ишлатилади.

Ўқувчилар “занжира” гул нақшини ўрганишгач, печак ислими нақшини ишлашга киришадилар.

6-машқ. Печак ислими квадрат ичига ишланмасдан, тўғри тўртбурчак ичига ишланади. Унинг ўлчам нисбатлари ихтиёрий равишда танланади. Лекин энининг кенглиги 4-5 см дан ошмаслиги керак. Печак ислимининг босқичлари билан ишлаш тартиби 18-расмда кўрсатилган. Печак ислими 4 босқичда чизилади. Бўёқ бериш 5 босқичда ба-жарилади.

Ислими гуллар, ўз навбатида, икки томонга уланадиган, тўрт томонга уланадиган ва ҳеч қаёққа уланмайдиган кўринишда бўлади.

Бундан ташқари, ислими гуллар йўллари ва тузилишига қараб якрафтори, дурафтори, серафтори деб номланади.

Ислими гул элементларидан тузилган бўлса, гуллик рафтори, барг элементларидан тузилган бўлса, баргли рафтори деб аталади. Ўқувчилар нақш гулларини тузишда 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-расмларда кўрсатилгандек гул элементлари, 11, 12, 13, 14-расмлардагидек барг элементлари, 15, 16-расмдагидек бофта ва шкифтилардан, боғланмалардан, маргулалардан фойдаланишлари керак. Ана шу элементлардан фойдаланилмаса, тузилган нақш чала ҳисобланади. Ислими гуллар якка банд ва қўш банд бўлади. Якка банд ислими устидан оқ бўёқ берилади, қўш банд ислими ўз фони холича қолаверади.

7-машқ. Баргли ойгул нақши:

1-босқич. Бу гулни чизиш учун квадрат чизилиб, квадратдан диагонал чизиқ ўтказилади.

2-босқич. Диагонал бўйича кетма-кет барг элементи уланиб чизилади.

3-босқич. Кетма-кет чизилган барглар ораларига баргли ойгул элементи чизилади.

4-босқич. Гуллар новда билан боғланади, натижада бир бутун баргли ойгул нақш ҳосил бўлади. Бу нақш рамкалар учун ишлатилади (19-расм).

8-машқ. Навбатдаги гул қуйидагича чизилади:

1-босқич. Тўғри тўртбурчакни чўзиқроқ ҳолда чизиб, диагонал чизиқ ўтказилади.

2-босқич. Тўғри тўртбурчакнинг икки четига яримта, ўртасига бутун ойгул чизилади.

3-босқич. Ойгулларни бирлаштирадиган икки томони кунгирали барг элементи диагонал чизиқ бўйича чизилади.

4-босқич. Ойгул билан баргларнинг орасини тўлдириш ва бир-бири билан боғлаш учун маргулалари новдалар диагонал бўйича чизилади. Ҳосил бўлган нақш қўшбаргли ойгул нақши деб аталади (20-расм).

НАҚШ ШАКЛЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Нақшнинг композицияси учун темани ҳаётдан, тева-рак-атрофдаги табиатдан, меҳнат аҳли фаолиятдан танлаш мақсадга мувофиқдир. Нақш ишлашдан олдин ўсимлик дунёси, ҳайвонот оламининг тузилишини, хусусиятини диққат билан ўрганилиши, сўнгра унинг шакли ишланиши керак.




21-расм.

Нақшланадиган буюмнинг шакли ва нимага ишлатилишига қараб нақшнинг маълум тури, ҳошия, турунж ва гириҳ танланади.

Нақшларнинг турлари хилма-хил бўлиб, доира ичига чизилган турунж нақшлар бир хил шакллардан таркиб топади ва тўғри ёки эгри чизик бўйлаб такрорланиб турадиган орнаментал ленталар, фризлар, ҳошиялардан иборат бўлади. Бунга пахта ислими мисол бўла олади (21-расм).

Геометрик шаклларга ўхшаш тўрсимон нақшлар, квадрат, ромб, учбурчак, тўғри тўртбурчаклардан иборат бўлади. Уларни симметрик нақшлар дейилиб, архитектура буюмларига нақш солинганда қўлланади.

Мадохили (арабча) – бир-бирига киришиб турувчи демакдир. Ўзбекистон наққошлик амалий санъатининг ҳамма турларида жуда кўп учрайдиган услубдир. Асосан мадохили шакли лола гулини стиллаштириб тасвирлашдан келиб чиққан. Лекин халқ наққошлари гул баргини чиройли кўрсатишга интилиб, уларни мадохили шаклида тасвирлайдилар. Мадохили уч япроқ шаклидан иборатдир (22-расмга қаралсин).



22-расм.

Турунжлар бир хил элементлардан таркиб топган, маълум тартибда тўғри ёки эгри чизик бўйлаб такрорланиб турадиган нақшлардир (“Материалларга бадий ишлов бериш” китобига қаралсин).

Турунжлар бир хил элементлардан таркиб топган, маълум тартибда тўғри ёки эгри чизик бўйлаб такрорланиб турадиган нақшлардир (“Материалларга бадий ишлов бериш” китобига қаралсин).

Ислими (арабча) – югурувчи демакдир. Ислими тўғри йўл ичига илон изи шаклида чизиладиган чизикдир. Ислими наққошликда кенг тарқалган услуб бўлиб, фақат йўл ичига ишланади. Ислими шакли кўпинча ўсимликлар шаклидан олинади. Шунинг учун ўсимликсимон нақшлар деб ҳам аталади. Бунга пахта ислими, (21-расм) барг ислими мисол бўлади. Ислими гуллар ўз навбатида икки томонга уланадиган, тўрт томонга уланадиган кўринишда бўлади. Ислими барг элементларидан тузилган бўлиб, баргли рафтори деб аталади (23, 24, 25-расмларга қаранг). Ислими гуллар якка банд ва қўш банд бўлади. Якка банд ислими устидан оқ бўёқ берилади. Қўш банд ислими асосан фон рангида қолаверади. Гул, баргли, бофта шакллардан фойдаланиб нақш чизсак, “гуллик ислими”, “баргли ислими”, “бофта ислими” нақшлари тузган бўламыз. Маълумки, бирор нақшнинг номи асосий нақш ҳосил қилинувчи шакллардан олинади.


ГЕОМЕТРИК НАҚШЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

1-усул. Энг аввал квадрат чизилиб, унинг ичидан ён томонларига ҳошия тортилади. Кейин квадратнинг тўрт томонига нуқталар қўйиб, уни учта тенг бўлакка бўлинади. У нуқталарни тик ва ётиқ чизиклар билан бирлаштирилганда квадрат 9 катакка бўлинади. Ўтқазилган чизиклар ўқ чизик ҳисобланиб, уларни икки томондан маълум ўлчовда ёндош чизиклар тортиш билан нақш ясалади. Бу нақш ясашиш жиҳатидан анча мураккаб бўлиб, квадратларни бўлишда кўз билан аниқ чамалашни талаб қилади. Квадрат ичидаги чизиклар бири иккинчисининг устидан тўғри ўтиб кетавермасдан, балки бир гал тегидан, иккинчи гал устидан ўтиб тугун ҳосил қилади.

2-усул. Квадрат чизилиб, квадратнинг ҳар иккала томонини тенг тўрт бўлакка бўлиб. 16 та катак ҳосил қилинади. Тўртта энг четки катакнинг диагонали чизилади. Диагоналларни тўғри чизик билан бирлаштириб, оддий гириҳ нақшнинг шакли чизилади.

Гириҳ тугун демакдир, тўғри чизикларнинг кесишиши натижасида шундай чигал шакллар ҳосил бўладики, уларнинг қандай ясалганини дарров аниқлаш қийин (26-расм).

Ана шундай геометрик нақш (орнамент)ларни халқ усталари “гириҳ” деб аташади. Уста Ширин Муродов бир



26-расм.

неча хил гириҳ ясаш сирларини аниқлаб берган. Самарқандлик кекса меъмор Шамсиддин Гофуров гириҳларни жуда усталик билан ўз ижодида ишлатиб келмоқда.

Гириҳ ясашнинг калити топилган. Ҳозирги вақтда янги-янги гириҳлар ижод этиш имкониятлари вужудга келди.

Гириҳ ясаш шунчаки бир эрмак иш эмас, албатта. У геометрик шаклларни тартиб билан жойлаштиришдан ҳосил бўлади. Ҳар бир гириҳнинг ўзига хос номи бўлиб, унинг номи шаклига боғлиқдир. Масалан, тақсим асоси беш ва ўн раҳлик юлдуз бўлса, “бешу ўн раҳлик” гириҳ деб аталади. Худди шунга ўхшаш бошқа бир тузилиш “саккизу ўн олти раҳлик” бўлиши мумкин.

Гириҳ турли соҳаларда, чунончи, панжаралар ясашда, ўймакорлик, нақшкорликда қўлланилади. Халқ меъморлари ижодида асрлар давомида авлодлар тажрибаси умумлашган ва сайқал топган. Уларни ўрганиш орқали қадимий ёдгорликлар тарихини билиб, халқимиз яратган гўзалликларни янада яхшироқ англаб борамиз.

ИСЛИМИ НАҚШЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Олдинги чизилган гул, барг элементларидан фойдаланиб, новдага гул, барг, бофта, шкифти элементларини қў-

шиб чизсак, 5-гулни чизган бўламиз. Бу шундай бошланади. Тўғри тўртбурчак диагоналлари ўтказиб, диагонал кесишган жойини марказ қилиб олиб айлана чизамиз. Тўртбурчак четига бир-бирига тескари қилиб кўвачанинг ярмини чизилади. Кўвача айлана шкефи билан боғланади. Айлана ичига ойгул, кўвача ичига баргли ойгул чизиб, новдалар билан боғланади. Ҳосил бўлган ислимни гулли ислими дейилади (23-расм). У 4 босқич билан чизилади, 5 босқич билан бўялади.

9-машқ. (6-гул). Оддий барг элементларидан нақш йўллари чизишда ҳам фойдаланса бўлади. Бу усулни 6-гулни чизишда аниқроқ билиш мумкин. Бунинг учун тўғри тўртбурчакнинг ўртасига диагоналга яқинроқ қилиб оддий барг чизилади, тўғри тўртбурчак нақш четига ярим ҳолда кўвача чизиб, оддий барг билан бирлаштирилади. Уларни шкефти билан боғлаб, нақш йўллари ҳосил қилинади. Нақш йўллари ичига баргли ойгул чизиб, тўлдирилади. Ҳосил қилинган нақш гулли баргли ислими деб аталади (24-расм). У 4 босқич билан чизилади, 5 босқич билан бўялади.

10-машқ. (7-гул). Юқоридаги гул баргли ислими нақшнинг мураккаблаштириб, нақш четининг йўллари бофта ишлатилса, “бофтали ислими” тузган бўламиз. Буни 7-гул деб аталади (25-расм). У 4 босқич билан чизилади, 5 босқич билан бўялади.

Маълумки, бирор нақшнинг номи асосий нақш ҳосил қилувчи элементдан олинади. Бунга “ойгул”, “қўшбарг” мисол бўлади (8-гул).

Халқ наққошлигида кўп қўлланилган “ислими” услуби билан чизилган нақшлар ўрганилади. 8-гул синусида эгри чизиқ бўйлаб поя тасвирланади, унинг устига бир томонига ойгул, иккинчи томонига баргли ойгул чизилади. Буни ойгулли ислими дейилади. У 5 босқич билан чизилади ва 5 босқич билан бўялади (27-расм).

11-машқ. Ҳар бир нақшнинг номи асосий нақш ҳосил қилувчи йўлларига қараб белгиланади. 13-машқда тўғри тўртбурчак олиб, диагонал чизиқлар асосида унинг марказидан ярим меҳроб йўл чизилади. Бу меҳробларни тўғри тўртбурчак йўл ичида давом эттирилса, яхлитлашиб патнусга ўхшаб кўринади. Патнус ичига баргли ойгул, ташқарисига ҳам баргли ойгул чизиб, новдалар билан бирлаштирилади. Ҳосил бўлган нақш гул “патнус ислими” деб аталади. Бу 9-гул 4 босқич билан чизилади, 6 босқич билан бўялади (28-расм).

12-машқ. (10-гул). Ҳар бир нақшда нақшлар мураккаблашиб, элементлари кўпайиб бормоқда. Шунинг учун бу машқда 10-гулни “Ду рафтор” (“катта патнус гул”) деб аталувчи гулни чизамиз. Бунинг учун каттароқ йўл чизиги, ичига икки томони кўвача шкефтили нақш чизиб новдалар билан бирлаштирилади. Ҳосил қилинган нақш катта патнус ислими деб аталади (29-расм). У 1, 2 босқичда чизилади, 3, 4 босқичда бўялади.

Ҳар бир машқда чизилган ислими нақш йўллари оқ бўёқ билан чизиб чиқилади.


ЁҒОЧГА НАҚШ ИШЛАШ ТАРТИБИ

Ёғочга нақш ишлаш асосан ёғоч заминини грунт қилишдан бошланади. Грунтлаш 3-мавзуда ёритилган. Грунтланган буюмга ахта орқали гул туширилади. Буюмнинг сатҳига нақшларни ахта ёрдамида тушириш санъати қадимдан давом этиб келаётган бир усулдир. Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари ҳам бу усулдан ҳозирга қадар фойдаланмоқдалар. Ахта усулидан, наққошлардан ташқари, ўймакор усталар, ганч усталари ва мискарлар ҳам фойдаланадилар. Хоразм усталари ахтани “улга” деб атайдилар. Бир ахтада кўп марта нақш тушириш мумкин. Шунинг учун тажрибали усталар ахтани авайлаб, қуруқ жойда сақлайдилар.

Ахта ясаш усули: нақш туширилган буюм юзасининг сатҳига қараб, ахтага мўлжалланган калка (шаффоф қоғоз) кесилади. Кейин, чизиладиган нақш (бўлак)ларнинг тузилиши симметриясига қараб, 2, 4 ёки 8 буклаб, қора қалам билан гул чизилади. Сўнг бу гул чизигининг устидан игна билан қатор тешиб чиқилади. Лекин бир тешик билан иккинчиси ораси 2 мм дан ошмаслиги шарт. Нусха қанча кичик бўлса, ахта тешиклари бир-бирига шунча яқин бўлиши лозим. Шунда нусха аниқ ва равшан кўринади (30-расм).

Ахтани нусха тушириладиган буюмнинг устига ёзиб, чап қўл билан ушлаган ҳолда, ўнг қўлга юпқа латтага ёки икки қаватли докага ўралган оқ упа (мел ёки қуруқ белил) ни қоғознинг устида бир оз силкитилади-да, енгил босиб сурилади. Шунда упа қоғоздаги майда тешиклардан ўтиб, буюмнинг сатҳида нуқталардан иборат нақш йўллари ҳосил қилади.

Яхши ишланган ахталарда нақш буюмнинг сатҳига осон ва аниқ тушади. Нусханинг аниқ кўриниши ва чизишга



31-расм.

ҳалақит бермаслиги учун буюмнинг сатҳига туширилган нақшнинг устидан ортикча упа чанглари оҳиста пуфлаб юборилади.

Нақш йўллари устидан мўйқалам ёрдамида қора бўёқ билан ингичка сиёҳ қалам қилиб чизилади. Чизилган гулларнинг энг четидан қора бўёқ билан 3-5 мм йўғонликда оби тортилади.

Сиёҳ қалам қилингандан кейин, фон бўёқлари асосий заминга ва гул заминига берилади. Заминга бўёқ беришда гул чизигига ранг тегизиб юбормасдан, эҳтиётлик билан ишлаш керак. Шкиф гуллар заминига қирмизи бўёғи берилади. Гулларни эса қирмизи бўёқ билан таргил қилинади.

Банд ва марғулаларга бўёқ берилмайди. Буюмга берилган бўёқлар қуригандан сўнг, бир марта ёглиқ лок сурилади.

Лок қуриган, бир бандлик гулларнинг банди устидан оқ бўёқ тортилади. Сиёҳ қалам қилинганда, қора рангли оби устидан оқ бўёқ билан чакма, қалам ёрдамида “тўрт кўз”, чакма қўйилади (31-расм).

Ниҳоят, иккинчи марта лок берилиб битқазилади. Иккинчи марта лок суришнинг сабаби шундаки, биринчи сурилган локни буюмдаги бўёқлар шимиб олади ва буюм ялтирамайди.

Гулга оқ бўёқ сурилгандан кейин икки марта лок берилса, оқ бўёқ сарғайиб қолади. Шунинг учун биринчи локни оқ бўёқ берилмасдан олдин, иккинчи локни оқ бўёқ берилгандан кейин суриш тавсия қилинади.

БҮЁҚЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

Нақш ишлашда бўёқларнинг бир неча турларидан фойдаланиш мумкин.

Темпера лотинча сўздан олинган бўлиб, аралаштириш деган маънони англатади. Темпера сув аралаштириб

ишлатиладиган бўёқлар турига киради. Темпера намга, ҳароратга ва ташқи муҳит ўзгаришига чидамдир. Темпера бўёқлари бир-бири билан яхши аралашади. Хилма-хил тусларни ҳосил қилишда оқ бўёқдан фойдаланилади. Темперани гуашь, акварел бўёқлари билан қўшиб ишлатса ҳам бўлади. Айниқса, гуашь ёрдамида ажойиб ранг тусларини ҳосил қилиш мумкин.

Гуашь бўёғи ҳам сув билан ишлатилади. Тайёр гуашь бўёқлари шиша банкачаларида чиқарилади ва кўринишдан қуюқ қаймоққа ўхшайди. Улар қуриб қолмаслиги учун устига сув, глицерин қўйилади.

Гуашь асосан декоратив безак ишларида, газета, плакатлар чиқаришда, шиорлар ёзишда ишлатилади. Глицерин гуашь бўёқларининг таркибий боғловчиси ҳисобланади. Глицерин тиниқ суюқлик бўлиб, сув билан яхши аралашади, бўёқларни қуриб қолишидан сақлайди. Сурилган бўёқ қаватларининг нафис бўлишини таъминлайди.

Гуашда ишлашни ўрганишни декоратив безаклар ва нақшларни бўяшдан бошлаган маъқул. Нақш композицияларини бўяшни бошлашдан олдин нақш элементларини ишлаб чиқиш керак.

Гуашда ишланган нақшнинг акварелда ишланган нақшлардан фарқи шундаки, гуашнинг ранги бир оз совуқроқ ёки очикроқ бўлиб, ҳар хил туслар оқ бўёқ ёрдамида ҳосил қилинади.

РАНГЛАРНИНГ ТОВЛАНИШИ

Ранглар инсон ақлини ҳайратда қолдирадиган даражада кўп ва хилма-хилдир. Диққат ва синчковлик билан кузатган киши айни бир рангнинг ҳар хил тусланиши ва товланишини пайқайди. Рангларни сезиш, бўёқларнинг бир-бирига мосини топиб ишлатиш кўпгина касб эгалари учун, айниқса мусавирлар, наққошлар учун гоят зарурдир. Табиатдаги турли-туман рангларнинг нозик товланишларини кўриш ва сезиш, уларни тасвирлай олиш учун “рангшунослик фани” билан яқиндан танишиш лозим.

Қуёш нури бир даста рангли нурлардан ташкил топган бўлиб, уч қиррали тиниқ призмадан ўтказилганда, у бир неча рангларга ажралиб кўринади. Булар қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, зангори, бинафша ранглардир. Бу ранглар спектр ранглари деб аталади (11-а расмга қаранг). Уларга диққат билан қаралса, бир рангдан иккин-

чисига ўтиб боришдаги оралиқ масофада шу иккала рангга яқин бўлган бир қанча рангларни кўриш мумкин. Табиатдаги ранглар хусусиятига кўра: ахроматик (рангсиз) ва хроматик (рангли) рангларга бўлинади. Ахроматик рангларга оқ, кул ранг, қора ранглар киради. Бошқа ранглар эса хроматик ранглар дейилади. Бундан ташқари, рангларни илиқ ва совуқ турларга бўлиш мумкин. Биринчи турга қизил ранг ва унинг бир неча турлари: тўқ қизил, оч қизил, қирмизи, лола ранг, гулоби, гулнор, сариқ ва унинг турлари: оч сариқ, тўқ сариқ, зарғалдоқ, малла киради. Мазкур ранглар аланга, чўғ, қизиган темир ва қуёшни эслатаётгани учун рангшуносликда илиқ ранглар деб аталади. Совуқ рангларга музни, совуқ сувни, сомонни, кўкатларни эслатувчи кўкиш-яшил, зангори, ҳаворанг киради. Илиқ ва совуқ ранглар аралаштирилганда эса қоришма таркибида қайси ранг миқдори кўпроқ бўлса, ўша турга тобе бўлади. Бинафша совуқ ранг ҳисобланади.

Наққошликда бешта ранг асосий ранг ҳисобланиб, булар: қирмизи, қизил, сариқ, зангори, зумрад ранглардир. Уларни бир-бири билан аралаштириб, бошқа рангларни ҳосил қилиш мумкин.

Масалан: **13-машқ.** Зангори + сариқ = яшил.

Қизил + сариқ = зарғалдоқ.

Қизил + зангори = бинафша.

Табиатда қизил рангнинг бир қанча хилларини учратиш мумкин. Масалан: қирмизи (тўқ қизил), жўша (оч қизил), пушти, зарғалдоқ, малла, қовоқ ранг, қизғиш бинафша, кўкиш бинафша, тўқ зангори, ложувард каби номлар билан аталади. Бу рангларга ахроматик рангларни қўшиб яна кўплаб тусдаги рангларни ҳосил қилиш мумкин.

14-машқ. Зангори + оқ = ложувард (синька).

Зумрад + сариқ = сабза.

Қирмизи + ложувард + оқ = бинафша.

Қирмизи + оқ = пушти.

Қизил (жўша) + сариқ = зарғалдоқ + шингоф.

Оқ + ложувард (оз миқдорда) = тиниқ оқ.

Оқ + сариқ = тиниқ оч сариқ.

Қирмизи ва зангори бўёқлар соф ҳолда ҳам ишлатилиб, улар кўпроқ нақш гулларини тарғил қилишда қўлланилади.

НАҚШЛАРГА РАНГ ТАНЛАШ

Нарсага нақш ишлаш учун ранг танланганда хонанинг қуёш нурида ва сунъий ёруғликларда ёритилишини билиш

жуда муҳимдир. Чунки турли биноларни ёритиш турлича бўлиши мумкин. Биноларга нақш солишда тўқ рангларни ишлатмаслик лозим, чунки у кўзни толиқтиради, хона ичи-ни кичиклаштириб юборгандек бўлади.

Гуашь бўёғи билан нақш ишлашда қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Нақш элементларини аниқ чизиш.
 2. Рангларни бир-бири билан мослиги ва тиниқлигига эришиш.
 3. Бўёқ қаватларининг текис чиқишига интилиш.
 4. Ранг доғларининг ҳосил бўлишига йўл қўмаслик.
 5. Нақш композициясининг таъсирчан чиқишига эришиш.
- Тайёр бўлган нақш композициясини бўяшдан олдин керакли ранг туслари танлаб олинади ва мўлроқ қилиб тайёрланади. Шу бўёқнинг ўзида бир нечта нақш композицияларини бўяш мумкин.

Нақшларни бўяшда изчилликка амал қилинади. Керакли жой бўялгандан кейин симметрик равишда навбатдаги ўрни бўялади. Кичикроқ деталлар, барглар, шобарглар, ҳар хил гуллар алоҳида-алоҳида бўялади.

Нақшлар илиқ ранглар билан қанчалик кўп бўялса, кўзга шунчалик яққол ташланади.

Баъзан нақш элементлари бўялиб, фонлар ўз ҳолича қолдирилади. Тайёр бўлган рангли нақшларнинг сиртларини лок билан қоплаш лозим. Агар рангли сирт қуригандан кейин очлашиб кетса, лок билан қопланганда тўқлашади.

ОДДИЙ ЁҒОЧ БУЮМЛАР – ТУЗДОН, ҚАЛАМДОН ВА РАМКАЛАРНИ НАҚШЛАШ

Оддий ёғоч буюмларнинг асоси юмшоқ ёғочлардан (қарагай, липа, терак ёғочлардан) тайёрланган бўлиши керак. Улар табиий шароитларда яхши қурилган, нуқсонсиз ёғочлардан тайёрланади.

Оддий ёғоч буюмлар юзасига нақш бериш унинг юзасини текислашдан ва мўлжалланган рангга бўяшдан бошланади. Буюм юзасига қоришма бериб грунтланади. Бу бир хил зичлик ва ғадир-будирлик ҳосил қилиб, бўёқларнинг ёғочга шимилиб кетишига йўл қўймайди. Қоришма тайёрлаш 3 - мавзуда тушунтирилган.

Грунтланган буюм сатҳига ахта орқали нақш гуллари туширилади. Сатҳга нақш туширилгандан сўнг буюмга ке-

ракли бўёқларни бериб, мойли лок билан локланади. Буюмни икки марта локлаш мумкин. Буюм бўялиб, оқ бўёқ билан ҳошиялангандан кейин бир марта локланади, нақшлаш тамом бўлгандан сўнг буюм иккинчи марта локланади. Мойли локлар алиф-мой қатламларига қараганда тиник, жуда мустаҳкам, қаттиқ қатлам ҳосил қилади.

МУРАККАБ ШАКЛИ ЁҒОЧ БУЮМЛАР – ҚУТИЧА, КУРСИЧА, ХОНТАХТАЛАРНИ НАҚШЛАШ

Мураккаб шаклдаги ёғоч буюмларни нақшлаш учун ёғоч қутичани мисол қилиб оламиз. Қутичанинг қопқоғи аниқ бир мазмунни акс эттириб, марказда нақш мотиви “бофта ислими” тасвирланган. Бутун нақш фони кўк, яшил, бинафша рангларда ишланади. Репортлар оқ бўёқда ҳошияланиб, гул фонлари пушти, сариқ бўёқда бажарилади.

Қутича учун устанинг ўзи нақш композициясини танлайди. Композиция патнис, меҳроб шаклини эслатувчи бўлса, патнис ислими, меҳроб ислими деб аталади. У олтин фонга ёки оч бўёқли фонга ишланиши мумкин. Унга ишлатиладиган ранглар: кўк, ҳаво ранг, яшил, жигар ранг, тўқ ва оч қизил, оч охра ранглар. Бутун нақш оқ бўёқ билан хошияланган йўл билан қора рамка чизиқ устига бўёқ билан тўртта нуқта қўйиб, “тўрт кўз”лаб тугаллайди (31-расм).

Бу нақш тасвири турли шаклдаги шкептилар, барглардан ясалган доира, кичик ва катта ойгуллардан ташкил топган. Қутичалар, курси ва хонтахталарни нақшлаш мумкин бўлган композициялар шулардан иборат.

А Т А М А Л А Р

- 1) ТЎСИН – уй ва айвонларнинг девор устини беркитишда қўйиладиган ёғоч.
- 2) АРАҚИ – тўсиқларнинг устига ва айвонларнинг пештоқига (олди кўринишига) қўйиладиган сер-бар ёғоч. Баъзан усталар сарров ҳам деб ата-шади.
- 3) УСТУН – айвонларнинг олдига тик қилиб қўйилади.
- 4) ТУС – ранг билдирувчи сўз.
- 5) КОСАВОРЛИК – уй токчаларини ганч билан бўлиш.
- 6) НАҚШ – табиатдаги ўсимлик элементларини геометрик чизиқлар билан тасвирлаш.
- 7) НАМОЁН – яхлит катта жойга ишланиб, давом эттириб бўлмайдиган ва бир-бирига уланмайдиган гул.
- 8) АХТА – буюмнинг юзига тушириладиган нақшни махсус қоғозга чизилиб, нақш йўллари игна билан тешилиб нусха кўчириш учун тайёрланган қоғоз.
- 9) ОБИ – нақш гулининг энг четидан ва баъзан бир нақшни иккинчи нақшдан ажратиш учун тортиладиган сув.
- 10) ЗАМИН – нақш гулининг чети.
- 11) ТАРҒИЛ – гулларни тароқ чизиқ билан безатиш.
- 12) ГИРИХ – геометрик чизиқ шакллардан тузилган нақш.
- 13) ИСЛИМИ – ўсимлик элементларидан тузилган нақш.
- 14) ГРУНТ ҚИЛИШ – расм ясашдан ва бошқа нарсаларни бўяшдан олдин бир қават бўёқ суртиб чиқиш.
- 15) КОРИШМА – буюмнинг сиртидаги нуқсонларни йўқотадиган бўр, алиф, елимдан иборат аралашма.

МУН Д А Р И Ж А

Муаллифдан	3
Ўзбекистон халқ амалий санъати ва унинг ривожланиши	4
Ўзбекистон наққошлари ва наққошлик касби тўғрисида	8
Нақш элементларини чизишда фойдаланиладиган материаллар ва асбоблар	10
Буюмга ишлов бериш	11
Қоришма тайёрлаш	11
Хал қориш	12
Наққошлик устахонасининг тузилиши.....	13
Нақш элементларини босқичлар бўйича қоғозга қаламда чизиш	13
Нақш элементлари	13
а) Барг элементлари	14
б) Гул элементлари	16
в) Элементларни қўшиб чизиш	16
г) Бофта ва шкифтилар	16
Оддий нақш намуналарини тартиби билан қоғозга тушириш	17
Нақш шаклларининг тавсифи	19
Геометрик нақшларининг тузилиши ва ишлатилиши	21
Ислими нақшларнинг тузилиши ва ишлатилиши	22
Ёғочга нақш ишлаш тартиби	24
Бўёқларнинг тайёрланиши ва ишлатилиши	25
Рангларнинг товланиши	26
Нақшларга ранг танлаш	27
Оддий ёғоч буюмлар – туздон, қаламдон ва рамкаларни нақшлаш	28
Мураккаб шаклли ёғоч буюмлар – қутича, курсича, хонтахталарни нақшлаш	29
Атамалар	30

2470c

М. А. Мирзаҳмедов

БОШЛАНҒИЧ БАДИИЙ НАҚШ ИШЛАШ УСЛУБИЯТИ

Бадий муҳаррир *У. Солиҳов*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Мусаҳҳиҳ *М. Раҳимбекова*

Матн Тошкент Биринчи босмахонасининг
МАС. G-4 компьютерларида терилди ва саҳифаланди.
Компьютерда ҳарф терувчи ва саҳифаловчилар:
Б.Б Эсанов, И.В Гончарова, М.Т Ким.

Теришга берилди 10.04.02. Босишга руҳсат этилди 19.07.02.
Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 6,72
Нашр т. 3,9 Нусхаси 1000. Буюртма № 89. Баҳоси шартнома асосида.

700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30. Нашр № 77-2001

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги 1-босмахонасида босилди.
Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.